



ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Иzzatullaev L., Kyziboev J.

Termitz agronetekhnologiyalar va innovatsion rivojzlaniyini institutini

Аннотация: Республикаизда дәхқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер учас каларидан янада унумли фойдаланиш учун бир йилда икки марта ва уч марта ҳосил етишириш бўйича экиладиган экинлар турлари ва уларнинг навларни танлаш, экиш муддатларининг кетма –кетлигини жойлаштиришни аниқлаш ва уларнинг сама раси хақида ўрганилган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Аҳоли ер участкалари, эртаги экин, оралиқ экин, такорий экин, картошка, карам, мош, сабзавот маккажӯхори, сабзавот ловия, мойли кунгабоқар, тезпишар навлар, бир йилда икки ҳосил, бир йилда уч марта ҳосил.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги дәхқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисидаги 53 сон қарорида: Республикаизда дәхқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида серҳосил ва юқори даромад берадиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ички истеъмол ва экспорт учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ҳажмларини кўпайтириш каби долзарб масалаларни бажариш кўзда тутилган [1; 1-3 б.].

Республикамиз шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш учун маҳсулот етиширишнинг турли усусларидан фойдаланилмоқда. Суғориладиган ердан унумли фойдаланиш йўллари ахтарилмоқда. Дехқонлар бир йилда икки ва уч марта ҳосил етиширишмоқда. Бу борада иссиқ иқлим шароитига эга Сурхондарё вилоятининг дехқонлари пешқадамлик қилишмоқда [3; 9 б.]

Сурхондарё вилоти шароитида кўпгина дала экинлари: карам, сабзи, пиёз ва картошканинг маҳсулоти баҳорнинг дастлабки кунларида, яъни апрель ойида ва май ойининг 1 ўн кунлигига сотувга чиқарилади. Чунки Сурхондарё вилоятининг иқлим шароити иссиқ 414 бўлганлиги учун декабрь, январь ва февраль ойидан ташқари 9 ой давомида далада қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация давридаги ҳолатини кузатиш мумкин. Бу вилоят шароитида ўсимликлар ўсиши-ривожланиши учун йил давомида шароит етарли бўлади ва самарали харорат йифиндиси 3500-3600 0C ни ташкил этади. Дехқонлар сабзи, картошка, карам каби экинларни тўқсонности усулида декабрь ойигача экиб майсаларини ундириб олишади ва ҳатто биринчи озиқани бериб қўяди. Эртаги картошкани февраль ойида экиб унинг ҳосилини май ойининг 1 ўн кунлига қадар сотувга чиқаради. Бу пайтдаги маҳсулотнинг нархи июнь-июль ойидагига нисбатан 2-3 баравар қиммат бўлади. Сурхондарё дехқонларининг айтишича июль ойида 1 гектар ердан 30 тонна картошка ҳосили етиширишга нисбатан, май ойининг 1 ўн кунлигига 15 тонна ҳосил етишириш фойдалидир. Эртаги муддатда ҳосили йиғиширилган ердан олинадиган даромад жуда юқори бўлади. Бундан ташқари, ер экиндан эртаги муддатларда бўшайди, оралиқ ва



такрорий экинларни экиш учун ер эрта тайёрланади. Такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил етишириш имкони бўлади ва ҳ.к. [1; 2-5 б.].

Бироқ асосий ва такрорий экинларни ўстиришда экин турларини тартибли жойлаштирмаслик, ўтмишдошларни ва навларнинг тезпишарлигини инобатга олмаслик туфайли суғориладиган ердан самарали фойдаланилмайди. Шуларни ҳисобга олганда Сурхондарё вилоятида бир йилда уч марта ҳосил етишириш тартибини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида дехқонлар ўз томорқаларида жуда эртаги картошка ва бошқа экинлар ўрнига кўк поя учун маккажўхори ва баъзида сабзи ёки бодринг экишади ва уларнинг жойига август ойида тариқ, мөш, шолғом ва яна ҳам ўша ерга картошка экишадилар. Бироқ бундай пайтда ўтмишдош экин, навнинг тезпишарлиги, уруғнинг сифати инобатга олинмайди. Юқоридаги ёзилганларни ҳисобга олган ҳолда асосий, оралиқ ва такрорий экинларнинг экиш муддатини ва экиш тартибини жойлаштиришнинг самарали йўлларини аниқлаш мақсадида 2018-2020 йилларда илмий-тадқиқотлар ўтказилди.

Дала тажрибалари Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Г.Бердиев фермер хўжалигининг типик бўз тупроқларида ўтказилди. Учта вариант бўйича дала тажрибалари қўйилди. Биринчи вариантда 1- экин сифатида картошка, 2- экин сифатида мөш ва 3- экин сифатида кунгабоқар экилди. Икккинчи вариантда: 1- экин сифатида картошка, 2- экин сифатида сабзвот маккажўхори, 3- экин сифатида кунгабоқар экилди, учинчи вариантда: 1- экин сифатида картошка, 2- экин сифатида сабзвот ловия, 3- экин сифатида кунгабоқар экилди. Тажрибада обьекти сифатида картошканинг Санте, Сурхон-1 ва Умид навлари, сабзвот маккажўхорининг Замин нави, Сабзвот ловиянинг Ровот нави, Кунгабоқарнинг СамҚХИ 20- 80, Родник ва Сур навларидан фойдаланилди. Ўрганилган барча экинларнинг навлари эртапишар бўлиб, уларнинг 2- репродукцияли уруғлигидан фойдаланилди. Барча вариантлардаги ўрганилган навлар бўйича бўлмача майдони 56 кв.м., тажрибалар 3 қайтариқдан иборат. Тадқиқотлар ўтказишида Ўзбекистон ўсимликшунослик ИТИ, Ўзбекистон сабзвот полиз ва картошка экинлари ИТИ ва умумқабул қилинган услублардан фойдаланилди. Дала тажрибасида экиш муддатининг кетма-кетлиги, ривожланиш фазаларининг содир бўлиши, ҳосилни [йиғишириш](#) муддатининг энг қулагай усули аниқланди.

Картошканинг жуда эрта униб чиқиши учун сараланган 45-55 г йириклиқдаги туганаклар нишлатлиб экилди. 1 чизиқли метрда 5 дона туганак 6-7 см чуқурликка қўйилди, унинг устидан юпқа тупроқ ташланиб, тупроқ устидан чириган гўнг сепилди, сепилган гўнг устидан яна ҳам тупроқ билан ёпилди ва унинг устидан яна ҳам чириган гўнг билан мулчалаш ўтказилди. Бу ерда гўнг 2 қаватли сепилди. Шулардан тупроқ орасида қолган гўнг тупроқни иситиб туради. Бундай шароитда туганакларнинг нишлаган ўсимталари тупроқда яхши сақланади [5; 23-25 б.]. Тупроқ устидаги гўнг ерни қатқалоқдан ҳимоя қиласди. Биринчи чопиқ қилиш ёки қатор орасига ишлов беришда гўнглар тупроққа аралашиб озиқа вазифасини ўтайди. Мөш



25 кг/га экиш меъёрида ва қатор ораси 15 см ҳолатда экилди. Сабзавот ловия 70 кг/га экиш меъёрида қатор орси 60 см тартибда, сабзавот маккажўхори ҳам қатор орси 60 см ҳолатда 1 чизиқли метрда 6 та ўсимлик экилди. Кунгабоқар 6 кг/га экиш меъёрида, қатор ораси 70 см, 1 чизиқли метрда 4 та ўсимлик жойлаштирилди. Бошқа агротехнологик тадбирлар хўжаликда ўтказилган сингари амалга оширилди.

Тадқиқотлар ва уларнинг натижалари: Ўрганилган маълумотлар кўрсатишча эртаги 415 муддат (10 феврал)да экилган картошканинг майсалаш фазаси март ойининг дастлабки кунларида содир бўлди. Март ойида пайдо бўлган майсалар баҳор ойининг илиқ ва салқин кунларида яхши ўсиб ривожланиши кузатилди. Гуллаш фазаси майсалашдан 34-36 кундан кейин, яъни 5-6 апрелда содир бўлди. Туганакларнинг хўжалик пишиш ёки товарбоб ҳолатдаги пишиши май ойининг 10-11 кунлари кузатилди. Янги ҳосил 12 май куни йиғиширилди. Товарбоб, витаминаларга бой янги картошканинг ҳосилдорлиги 188,3 ц/га ни ташкил этди. Иккинчи оралиқ экин сифатида 12 май куни экилган мошни Зилола навининг майсалаши 17 май куни, гуллаши 18 июнда ва пишиш фазаси 28 июлда кузатилди. Таъкидлаш жоизки иккинчи экин сифатида экилган мош иссиқсевар бўлганлиги учун ҳам июнь-июль ойларида яхши ўсиб ривожланди. 28 июлда йиғиширилган ҳосил 12,7 ц/га ни ташкил этди. Иккичи экиннинг ўрнига, учинчи экин сифатида 30 июль куни мойли кунгабоқарнинг СамҚХИ 20-80 нави экилди. Кунгабоқарнинг майсалаш фазаси 6-7 августда содир бўлди. Кунгабоқар қисқа кун ўсимлиги, яхши ўсиб ривожланиши учун 22-24 0С ҳарорат жуда қулай ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда бу экин август ва сентябрь ойларида яхши ўсиб ривожланиши кузатилди. Гуллаш фазаси 20-25 сентябрда ва уруғнинг хўжалик пишиш 28-30 ноябрда кузатилди. Кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги 23,8 ц/га ни ташкил этди. Умуман олганда, бир йилда экилган 1-2 ва 3 экинлар учун самарали ҳарорат етарли бўлди. Экинларнинг навлари вегетация даврини тўлиқ ўтади.

Хуносалар: Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида дехқон хўжаликлари ва томорқа участкаларида бир йилда уч марта ҳосил етишириш ҳисобига аҳоли йил давомида картошка ва бошқа истеъмол учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланди. Бир йилда уч марта ҳосил етишириш учун картошканинг эртапишар Санте, Сурхон-1 навларини 10 февраль муддатда экиш ва май ойининг биринчи 10 кунлигига йиғиширилган картошка ҳосили ўрнига сабзавот маккажўхорининг Замин навини, сабзавот ловиянинг Ровот навини, учинчи экин сифатида мойли кунгабоқарнинг эртапишар СамҚХИ 20-80 навларини экишга тавсия қиласиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги "Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора тадбирлари" тўғрисидаги 53 сон қарори. –Тошкент, 2020, 30.01
2. Абдукаримов Д.Т. Дала экинлар хусусий селекцияси Тошкент 2017г. 295-2976



3. Абдукаримов Д.Т., Луков М., Исройлов И. Эртаги кунгабоқар парвариши Ўзбекис тон қишлоқ хўжалиги журнали №.-3 2017 йил 9 бет
4. Орипов, Р.О, Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик /дарслик / 2006 йил 301-303 бетлар
5. Луков М.К. Два урожая семян подсолнечника в год //Вестник аграрной науки Узбекистана № 1(23) 23-25с. Тошкент 2006

